

БАЛОҒАТ ИЛМИ

علم البلاغة

Балоғат илми, унинг маоний, баён ва бадиъ бўлимлари

Бегзод Бакиров

Балоғат илмини ўрганиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозикликларини теран англаш осон кечади ҳамда Қуръони каримнинг фасоҳат ва балоғат эътиборидан мўъжизакорлиги кашф бўлади. Шу боисдан, Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва шариат китобларини ўрганмоқчи бўлган киши юқорида таъкидланганидек, луғат, сарф, наҳв илмлари билан бир қаторда балоғат илмини ҳам пухта эгаллаши лозим.

Маълумки, араб тили ва адабиётида назарий асарлар илк ўрта асрларда пайдо бўла бошлаган. Арабларнинг араб бўлмаганлар билан аралашиб кетиши натижасида соф араб тили бузила бошлади, ҳатто арабларнинг ўзлари айрим сўзларни нотўғри талаффуз қила бошладилар. Араб тилининг тақдиридан ташвишланган олимлар унинг грамматикаси ва бошқа қоидаларини ўрганадиган илм ярата бошладилар. Аввал синтаксис (علم النحو), сўнгра морфология (علم الصرف) шу тариқа вужудга келди. Кейинроқ балоғат илми (علم البلاغة) асослари пайдо бўлди. Лекин ўша вақтда бу илмни тўлиқ қамраб олган алоҳида асар йўқ эди, айрим саволларга жавоб сифатида араб тили олимлари томонидан ёзилган кичик рисоалар мавжуд эди. «Илму-л-баён» (علم البيان), яъни бир фикрни турли йўллар билан ифодалаш усулларини ўрганувчи илмга оид асар, шулар жумласидандир.

Балоғат илми VII-X асрлардаёқ шаклланиб, XII асрга келиб Хоразм юрти олими Юсуф Саккокий (1160-1229) томонидан изчил назария даражасида ишланган. Адаб илмлари тизимидаги маъоний ва баёнга бадий санъатларга оид бадиъ илми ҳам қўшилиб, балоғат илмини ташкил қилган. Балоғат илмининг каноник назария сифатида шаклланиши Юсуф Саккокий

томонидан яратилган «Мифтоху-л-улум» асарида ўз ифодасини топган.

Кейинги даврда балоғат илми ғарб олимларини ҳам қизиқтира бошлади. Улар бу илмни «rhetoric» ёки аниқроқ қилиб «Arabic Rhetoric», «Arab Islamic Rhetoric», айримлари «Balaghah» деб қўллайдилар ва балоғатни риторикага боғлайдилар. Қуйидаги фикрлар ҳақиқатан ҳам уни риторикага жуда яқинлаштиради: Риторика – нотиқлик санъати ҳақидаги фан, яъни у фикрларни гўзал шаклда баён қилиш ва уларни тингловчида қизиқиш уйғотиб, осон ўзлашадиган тарзда жойлаштириш қоидаларидир. Аммо риторика қуйидаги жиҳатлари билан балоғатдан фарқ қилади: Риторика (юнон. Rhetorike) – нотиқлик санъати, умуман, бадий наср ҳақидаги фан. У беш қисмдан иборат: материал топиш, жойлаштириш, сўз орқали ифодалаш (юқори, ўрта, паст усуллар таълимоти, усулни кучайтиришда сўз танлаш, уларни мослаб боғлаш, стилистик фигуралар каби учта восита ҳақидаги таълимот), хотирада сақлаш ва талаффуз қилиш). Риториканинг таснифи ҳам, таркиби ҳам ўзгача, антик даврда Ғарбда вужудга келган, XIX асрда унинг оғзаки ифода таълимоти поэтикага қўшилиб, адабиёт назариясининг стилистика деб аталган бўлимига айланган. Риториканинг талаблари, қўлланиш доираси, объекти кенг бўлганидан уларнинг чегараси аниқ белгиланмаган.

Стилистиканинг луғавий маъноси қаламкашлик. Юнончада «стилос» антик даврда қўлланган «ёғочдан йўнилган чўбқалам»ни билдиради. Стилист «стилчи», яъни қаламкаш, стилистика «стилистик», «қаламкашлик» демакдир. Бу сўзларнинг луғавий маънолари уларнинг мавзу кўламига асос бўлган. Балоғатнинг мавзу кўлами тор, стилистиканики кенг. Балоғат нутқ доираси билан чекланган. Стилистика эса нутқдан ташқари маданиятнинг турли соҳаларига, масалан, тасвир, мусика, театр, меъморчилик, ижод муаллифлари, ҳатто тақвимга нисбатан ҳам ишлатилади, «эски стиль» деганда Юлий тақвими, «янги стиль» деганда Григорий тақвими тушунилади. Стилистиканинг объект жиҳатдан балоғатга алоқадор қисми филология стилистикаси деб аталади.

Балоғат илмининг тугал назарий асослари араб тилида яратилган бўлишига қарамай, у ажам ўлкаларда ҳам кенг тарқалган ва форс, туркий тилларда асарлар яратилган. Лекин балоғат илми фани учун асосий қўлланма араб тилида ёзилган «Талхису-л-Мифтоҳ» ва «Шарҳ Талхисил-Мифтоҳ» асарлари ҳисобланган. Бу фан бошқа шарқ мамлакатларидаги каби ўлкамиз таълим масканларида ҳам араб тилига оид фанлар қаторида доимий равишда ўқитилган. Чунки балоғат илми араб тилини чуқур ўзлаштириш имконини яратувчи асосий илмлардан биридир.

Шарқда «балоғат», Ғарбда «стилистика» деб номланган илмлар шаклланди. Ўзбекистон ва МДХнинг бошқа туркий халқлар яшайдиган республикаларида стилистика мазкур илмларнинг замонавий кўриниши деб қабул қилинади. Аммо мумтоз асарларнинг бадиий жиҳатига балоғат асосида тавсиф берилмоқда.

Шунингдек, мумтоз адабиётимиз дурдоналари ҳисобланган шеър ва ғазалларда ҳам мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат қоидаларидан кенг фойдаланилган. Демак, буюк аждодларимиздан қолган бой адабий меросимизни тўғри ва чуқур ўрганиб бошқаларга ҳам етказишимизда балоғат илми катта аҳамият касб этади.

Бу илм бошқа фанлардан ўзининг фазилати билан ажралиб туради. Зеро, унинг луғат сир-асрорларини очишда ва хазиналарини кашф этишда бетакрор ўрни ва услублари бор. Шунинг учун ҳам у тилнинг нозик, нафис ва дақиқ жиҳатларини ўрганишда беқиёсдир.

Шунингдек, бу илм тил мусобақалари ва суҳандонлик беллашувларида олий мукофотни қўлга киритиш усуллари чуқур ўргатади. Бу билан ақлларни лол қолдирувчи жумлалар тузиш, ҳолат тақозосига мувофиқ тарзда сўзлаш, бир сўзни турли маъноларда нуқсонсиз ишлатиш малакаларини ривожлантиради. Кўнгилдаги мақсадни чуқурроқ, кенгроқ ва тушунарли ҳолатда баён қилиш тажрибасини камолга етказди. Бу эса балоғат илмига эҳтиёж нақадар кучли эканини билдиради.

Буюк ватандошимиз, муфассирлар устози Жоруллоҳ Маҳмуд

Замахшарий “ал-Кашшоф” номли тафсирининг муқаддимасида шундай дейди: “Кимки тафсирга киришса, унинг ҳақиқатларидан ҳеч бир нарсага ета олмайди, фақат Қуръонга хос бўлган икки илм: илму-л-маоний ва илму-л-баёнда билимдон, иккисини ўрганишда бир оз шошилмаган, тафтиш қилишда бир муддат машаққат чеккан кишигина унинг ҳақиқатларига ета олади”.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Лутфий, Фузулий, Умар Ҳайём, Машраб каби мумтоз адабиётимиз намоёндалари ўз шеър ва ғазалларида мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат қоидаларидан кенг фойдаланганлар. Шундай экан, буюк аجدодларимиздан қолган бой маънавий меросни тўғри ва чуқур ўрганиб, бошқаларга етказишимизда ҳам балоғат илми катта аҳамият касб этади.

Балоғат илми бир-бирини тўлдирувчи бўлган учта илм: илму-л-маоний, илму-л-баён ва илму-л-бадиъдан таркиб топган. Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарини яратгунга қадар балоғат илми таркибий қисмлари алоҳида, бири биридан ажралган ҳолда эди. Саккокий балоғат илмини яхлит ҳолга келтирган. Унинг асари балоғат илмидан ташқари араб тили морфологияси, синтаксиси, қофия ва аруз масалаларини ҳам қамраб олган.

Илму-л-маонийда арабий лафзларнинг ишлатилиш усуллари ва баъзи сўзларнинг ўрни ва салмоғи ҳақида баҳс юритилади. Илму-л-баён эса, керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда сўзларнинг ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари; Илму-л-бадиъ эса, илму-л-маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушуриладиган мақсадларни чиройли, бадий, қофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари ҳақида баҳс қилади.

Балоғат фани бўйича ҳижратнинг II асридан бошлаб китоблар битила бошлангани тўғрисида тарих зарварақлари шоҳидлик беради. Энг биринчи бўлиб илму-л-баён ҳақида китоб ёзилган дейиш мумкин. Абу Убайда Маъмар

ибн ал-Мусанний ал-Басрийнинг (728-824) "Мажозу-л-Қуръон" китоби илму-л-баённинг биринчи бўлиб алоҳида илм сифатида шаклланишига тамал тошини қўйди. Бошқача қилиб айтганда, Абу Убайда ўз асари билан адаб илмларидан ҳисобланган балоғат илмига IX асрнинг биринчи ярмида асос солган. У Халил ибн Аҳмаднинг шогирди бўлиб, ҳазрат Сибавайҳнинг шайхидирлар. Абу Убайда 206 ҳижрий санада вафот этган.

Бу илм такомиллашиб борди ва XII асрда хоразмлик олим Абу Ёқуб Юсуф ас-Саккокий (1160-1229) маъоний, баён, бадиъ илмларини бир тизимга тушириб, «балоғат илми» деб атади. Мазкур илм араб, форс, туркий халқлар орасида кенг тарқалган ҳамда XIX-XX аср бошларигача ўлкамиз ўқув даргоҳларида фан сифатида ўқитилган. Бир неча аср давомида аждодларимиз томонидан ўқиб-ўрганилган балоғат илмининг тил ҳодисаларига оид назарий қарашлари бугунги кун тилшунослигида ҳам долзарблик касб этади.

Илму-л-маоний ҳақида биринчи бўлиб қалам тебратган олим ким эканлиги маълум эмас. Бу борада кўплаб муаллифларнинг асарлари мавжуд. Лекин, услубида ягона бўлган, адиблар сардори дея танилган Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳизнинг (вафоти 255 ҳижрийда) "ал-Баён ват-табйин" ҳамда "Иъжозул-Қуръон" номли китоблари улар орасида алоҳида ажралиб туради. У кишидан кейин Абу Аббос ал-Мубаррад "ал-Комил" асари билан, ибн Қутайба "аш-Шеър ваш-шуаро" китоби билан бу фанга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Балоғатнинг бадиъ илми бўйича биринчи бўлиб асар ёзган олим халифа Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз ибн ал-Мутаваккил ал-Аббосийдир (861 – 908). У гап беағи, яъни бадиий тасвир воситаларини чуқур ўрганиб, улардан ўн еттитасини ўзининг "ал-Бадиъ" асарида келтириб ўтади. Кейинги асрларда ҳар бир олим бу илмни ривожлантирди. "Ас-Саноятайн" асари соҳиби Абу Ҳилол ал-Аскарый, "ал-Умда" соҳиби ибн Рашиқ, буюк ватандошимиз муфассирлар устози "ал-Кашшоф" асари соҳиби Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий ва бошқаларни санаш мумкин. Балоғат илми чўққисини эса, шайх имом Абдулқоҳир ибн Абдулрахмон ал-Журжоний (в.471 х.)

Ўзларининг "Далоилул-иъжоз" ва "Асрорул-балоғат" китоблари билан забт этдилар. У кишидан кейин Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокийнинг "Мифтоҳул-улум" асари эътиборга моликдир. Академик Карачковский балоғат илмини айнан мана шу асар билан ўз камолига етган дея баҳолайди. Кейинги асрларда муаллифлар асосан ас-Саккокийнинг "ал-Мифтоҳ" асарига шарҳ ва ҳошиялар ёза бошладилар.

Балоғат илми қадимдан араб, форс ва туркий адабиётида чуқур ўрганилган, шунинг учун унга оид адабиётлар жуда кўп ва турли тилларда ёзилган.

Ҳомид Авний ўзининг “ал-Минҳож ал-возиҳ” номли китобининг муқаддимасида балоғат илмини ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг учта муҳим сабабини келтиради:

1. Бу илми эгаллаган ва унинг малакасини ҳосил қилган киши Қуръони каримнинг эъжозига ҳеч бир тараддуд ва иккиланишсиз ишонч ҳосил қилади. Бу билан, у ақидада муқаллид (бировага тақлид қилиб иймон келтирувчи) эмас, балки далил ва ҳужжат орқали иймон келтирувчи бўлади. Бу эса улкан шарафдир.

2. Бу илми пухта ўзлаштирган киши араб тилининг нозикликларини ўзи ҳис қила олади, гапнинг мартаба ва ўринларини, унинг шеър ва наср жиҳатидан хусусиятларини идрок қила олади. Натижада, тўғри танқидий таҳлил майдонига йўл топиб, гапнинг сарасини маъносизидан ажрата билади.

3. Агар бу илми ўрганган, унинг қонун-қоидаларидан хабардор киши бирор мақсадда шеър ёки наср айтмоқчи бўлса, ҳолатга мос келадиган лафзлар ва ибораларни келтириб ўз мақсадига етади. Чунки, унинг қўлида йўлини ёритиб боровчи машъаласи бор.

Балоғат атамасининг луғавий ва истилоҳий маънолари

Балоғат илмининг мазмун-моҳияти ҳақида гап борар экан, аввало “балоғат” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари билан танишиш, сўнгра бу илмининг ғояси, аҳамияти ва зарурати тўғрисида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

“Балоғат”нинг луғатдага маъноси والوصول الانتهاء “эришиш” ва “етишиш” бўлиб, араблар бирор киши мақсадини чуқур ифодалаб, етказа олса - بلغ الرجل بعبارته كنه مراده дейишади. Карвон шаҳарга етиб борса— بلغ الركب المدينة дейилади.

Балоғат сўзининг ўзак ҳарфлари (ب, ل, غ) учун ал-қомус луғатида қуйидаги иккита сўз келтирилган:

1. بَلَغَ I (y) بَلَغَ ~ болоғат ёшига етди, бўйи етди, вояга етди; بَلَغَ ~ бола болоғатга етди; *أَشَدَّهُ ~ камолга етди, кучга тўлди; 2. الشَّجَرُ ~ дарахт мевага кирди; 3. الأَمْرُ ~ иш юқори даражасига етди; الْفَيْضَانُ ذِرْوَتَهُ ~ тошқин энг юқори нуқтага етди (ортиқ тоқат қолмади); السَّيْلُ الرَّبَى ~ пичоқ суякка қадалди (мтл. сўзма-сўз: сел адирнинг тепасига чикди); 4. الْمَكَانَ ~ муайян жойга етди, етиб борди, етишди; النَّاسِغَةَ مِنْ عُمْرِهِ ~ тўққиз ёшга етди; ~ عَدَدَ الْعُمَالِ الْعَشْرَةَ ишчилар сони ўн тага етди; هَذَا الْخَبَرُ ~ бу хабар унга етиб борди; {وَإِذْ زَاغَتِ الْأَبْصَارُ وَبَلَغَتِ الْقُلُوبُ الْحَنَاجِرَ} “Ва кўзлар тиниб, юраклар бўғизга етганда...” (Қур. 33:10); الْمُنَى ~ орзуга етди; غَايَةَ مُرَادِهِ ~ муроду-мақсадига етди; 5. بِهِ الأَمْرُ ~ иш к.гадир оғир келди, қаттиқ келди; بِهِ الْمَرَضُ ~ дард унга оғир келди, уни қаттиқ қийнади; 6. مِنْهُ/ ~ таъсир қилди; كُلُّ مَبْلَغِهِ / الْكَلِمُ مِنْهُ مَبْلَغُهُ ~ гап унга жуда қаттиқ таъсир қилди; الْجَوْعُ مِنْهُ مَبْلَغُهُ ~ очлик унга жуда оғир келди; مَجْهُ. қийналди

بَلَغَ I (y) بَلَغَةُ сўзга уста, фасоҳатли, болоғатли бўлди, нотиқ бўлди

Илмий истилоҳ учун иккинчи сўз асос қилиб олинган, зеро мазкур феълнинг масдари (ҳаракат номи) ҳам болоғат ҳисобланади:

بَلَغَةُ нотиқлик, сўзамоллик; болоғат (гапнинг фасоҳатли сўзлардан тузилиб, вазият тақозосига мос бўлиши); عِلْمُ الْبَ ~ болоғат илми (риторика; маоний, баён ва бадий бўлимларидан ташкил топган илм); ~ السُّؤَالُ сўзловчининг болоғат билан гапира олиши; الْمُنْبَرُ ~ нотиқ, воизлар нутқларининг болоғатли бўлиши; نَهْجُ الْبَ ~ болоғатнинг очиқ-равшан йўли, услуби

Истилоҳдаги маъноси эса, гап ёки сўзловчига сифат бўлишига қараб белгиланади. Демак болоғат, фасоҳат каби сўзга сифат бўлмайди. Шунинг

учун “бу гап балоғатлидир”, وهذا المتكلم بليغ “бу сўзловчи балоғатлидир” дейилади, лекин, هذه الكلمة بليغة “бу сўз балоғатлидир” дейилмайди.

«Балоғат» сўзидан илмий истилоҳ сифатида сўзловчининг каломни ўз ўрнида ва тегишли ҳолатда қўллай олиш ҳамда шу талабларга жавоб берувчи фасиҳ жумлаларни сўзлай билиш маҳорати тушунилади. Демак, балоғатнинг шартларидан бири фасоҳатли сўзлай олишдир. Шунинг учун ҳам балоғатга оид асарлар «фасоҳат» тушунчасига изох бериш билан бошланади. Араб тилида балоғатли калом, аввало, шу тилда кечадиган тил ҳодисалари ва қонуниятларига мос равишда тузилиши ва бу унинг шаклий ва маъновий гўзаллигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Балоғат олимлари гапнинг балоғатли бўлиши учун унинг ҳолат тақозосига мувофиқ бўлиши билан бирга, фасоҳатли бўлмоқлигини шарт қиладилар. Шу боис, дастлаб фасоҳат ҳақида сўз юритилади. Араб тилида “фасоҳат” сўзи “очиқ бўлмоқ”, “равшан бўлмоқ” маъноларини билдиради. Шунга кўра, араблар яхши гапира бошлаган, тили равон бўлган ёш болага нисбатан ушбу жумлада ишлатилган сўзни қўллаб:

أفصح الصبي في منطقه إفصاحа яъни, гўдакнинг сўзлаши равшан-тушунарли бўлди, дейишади. Шунингдек, тонг ёришиб, унинг ёғдуси кўринган ҳолатни ифодалаш учун ҳам أفصح الصبح яъни, тонг ёришди, жумласини ишлатадилар. Истилоҳда эса фасоҳат сўз, гап ва сўзловчи учун сифат бўлиб келади. Масалан, бу ҳолатни “фасоҳатли сўз”, “фасоҳатли қасида” ва “фасоҳатли шоир” каби жумлаларда учратиш мумкин.

«Фасоҳат» тушунчаси сўз, калом ва сўзловчига нисбатан қўлланади. Уларнинг хусусиятлари шулардан иборат:

1. Сўз. Сўз фасоҳатининг белгиси унда товушлар номутаносиблиги танофуру-л-хуруф, нотанишлик (ғароба – غرابة) (ва нотўғри сўз ясаиши (мухолафату-л-қиёс) хусусиятларининг мавжуд эмаслигидан иборат.

Сўз фасоҳатида «танофуру-л-хуруф» тушунчаси сўзнинг фонологик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, бу истилоҳ сўзни ташкил қилган товушлар

таркиби ва тартиби талаффузда қийинчилик туғдирадиган ҳолатга нисбатан қўлланади. Бу ҳолат сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам бирдек мақбул эмас, чунки бундай ҳолатда товушларни махражидан чиқариш қийин бўлгани учун талаффуз равоён бўлмайди, оқибатда тингловчи уларни эшитиб қабул қилиш ва маъносини англаб олишга қийналади. Бундай нутқ тингловчини ўзининг мухлисига айлантира олмайди.

«Ғароба» тушунчаси маънони ёрита олмайдиган, бегона ҳисобланган ёки маъносини тушунишда қийинчилик туғдирувчи сўзларга хос бўлса, «муҳолафату-л-қиёс» – тилда мавжуд бўлган морфологик принципларга зид ҳолда сўз яшадир.

Демак, сўз фонологик таркибига кўра талаффуз учун қулай, таниш ва тушунарли бўлиб, морфологик принципларга мос равишда ясалсагина шакл жиҳатдан шарқона фасиҳ, ғарбчасига эстетик талабларга жавоб берган ҳисобланади.

2. Калом фасоҳатининг белгиси – тузилишида заифлик (заъфу-т-таълиф), сўзлар номутаносиблиги (танофуру-л-калимат), маъносида чалкашлик (таъқид) бўлмайди. Бу ерда каломнинг тузилишида заифлик – унда грамматик жиҳатдан ноқислик мавжудлиги; сўзлар номутаносиблиги – ҳар бири фасиҳ бўлса-да, бир каломда келгани учун талаффузнинг қийинлашишига олиб келадиган сўзларнинг қўллангани; маънода чалкашлик – мақсад қилинган нарсa (далолат)нинг ёритиб берилмагани. Булардан ташқари сўзлар такрорининг кўплиги ва кетма-кет келган изофа ҳам калом фасоҳатига зарар етказди.

3. Сўзловчи (мутакаллим – المتكلم) (фасоҳати – мақсадни фасиҳ лафзлар воситасида ифодалаш малакаси ҳисобланади.

Демак, балоғат илмига маънони фонетик, морфологик, лексик, семантик, синтактик жиҳатдан тўғри тузилган, вазиятга мос келувчи калом шаклида ифода этишни таъминловчи қоида ва усулларни ўрганувчи фан деб таъриф бериш мумкин. Балоғат илмида кўп учрайдиган қуйидаги атамалар мавжуд: лафз, калом, маъно, ибора, ҳол (ҳолат, вазият), сўзловчи

(мутакаллим), мурожаат қилинаётган шахс (мухотаб). Улар ҳақида қисқача таъриф ёки маълумот:

1. Калом (كالم) арабча сўз бўлиб, «боғланган сўзлар; гап, жумла; нутқ, гап-сўз» каби луғавий маъноларга эга. Истилоҳда: энг катта фонетик бирлик, шу билан бирга мулоқот бирлиги сифатида нутқнинг энг кичик мустақил бўлаги. Унинг истилоҳий маъносига бир неча таъриф берилган. Шулардан энг машҳурлари – «Калом сўзловчи ихтиёр қилган маълумотни етказишга мўлжалланган тугал маънога эга мураккаб лафз» ёки «Калом – маънонинг лафз ёки лафзлардан таркиб топган нутқий шакли». Калом тўртта шартга асосланган: у лафз, яъни алифбодаги товушлардан иборат бўлиши, ҳақиқатан ёки тақдиран икки ёки ундан ортиқ калима (сўз)дан ташкил топиши, муфид (тугал маънога эга бўлиши) ва каломдаги лафзлар маъноларга ишора (далолат) қилиши лозим.

2 Маъно (معنى) сўзи араб тилида عَنَى (ҳисобга олмоқ, назарда тутмоқ) феълидан ясалган бўлиб, «маъно, мазмун; тушунча, ғоя, моҳият» маъноларига эга. «Лисону-л-араб» луғатида «маъно, тафсир, таъвил – бир нарса» экани айтилган. Маъно тилда шу маънонинг нутқий (шаклий) ифодаси ҳисобланган лафз орқали аён бўлади. Маъно уни ифодалаш учун ўринли танланган сўз воситасидагина аниқ ва тушунарли бўлади. Танланган лафз маънога хизмат қилиши керак экани барча олимлар томонидан таъкидлаб келинмоқда.

3. Ибора عِبْرَة (таъбир қилмоқ, ифодаламоқ, тушунтирмоқ) сўзининг масдари (ҳаракат номи). عِبَارَة – таъбир қилиш, ифодалаш». «Лисону-л-араб» луғатида: ибора – ақл (ḍamīr – ақл, яширин фикр, ният)даги нарсаларни тил орқали ифодалаш.

4. Ҳол (حال) ҳолат, вазият – тингловчининг унга етказилаётган маълумотни билиш-билмаслик ва бошқа ҳолатлари. Сўзловчи бу ҳолатни эътиборга олиб, вазиятга мос равишда калом тузиши лозим. Шунингдек, сўзловчи калом тузишда тингловчининг зукколик ёки тез фаҳмлай олмаслик каби хислатларини ҳам эътиборга олиши муҳим. Шунда у маълумотни

етказаш учун маънони таъбир қилишда тингловчининг ҳолатидан келиб чиқиб лўнда, меъёрида ва батафсил ифода турларидан бирини танлайди.

5. Мутакаллим (متكلم) –арабча “تکلم” (сўзламоқ, гапирмоқ) феълининг сифатдоши «сўзловчи, гапирувчи» маъноларига эга, шундан келиб чиқиб, грамматика ва балоғат илмида «биринчи шахс» истилоҳи маъносида қўлланади.

6. Мухотаб (مخاطب) –арабча “خاطب” (сўзлашмоқ, гаплашмоқ; мурожаат қилмоқ) феълининг мажҳул сифатдоши «нутқ орқали мурожаат қилинаётган», яъни эшитувчи, тингловчи (ўқувчи) маъносига эга, шундан келиб чиқиб, грамматика ва балоғат илмида «иккинчи шахс» истилоҳи маъносида қўлланади.

Балоғат илмининг олимлари уни уч таркибий қисмга ажратганлар. Булар: илму-л-баён – мақсадни изоҳлаш ва тушунтириш учун каломни турли воситалар билан ифодалаш қоида ва усуллари; илму-л-маъоний – таъбирни воқелик ва мақсадга мувофиқ тарзда тузиш услублари ҳақидаги илм; илму-л-бадиъ – сўз санъати илми.

ИЛМУ-Л-МАОНИЙ

Маъоний (معاني) балоғат илмининг бўлимларидан бири, бу ном *عن* ўзагидан ясалган *معنى* (маъно, мазмун; тушунча, ғоя, моҳият) сўзининг кўплик шаклидир.

Маъоний илмининг вазифаси фикрни нутқ орқали ифодалашда калом тузиш ва унинг ҳар бир бўлагини билдирилиши лозим бўлган маъно эътиборига кўра жойлаштириш усуллари, яъни ифодаланмоқчи бўлган барча маъноларни тўғри етказа олиш ва уни тушунарли бўлишига эришиш учун калом тузиш ва унинг бўлақларини ўзаро боғлаш йўлларини ўргатишдан иборат.

Маъоний илми ҳақида дастлабки назарий қарашлар Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳизнинг «Китобу-л-баён ва-т-табйин» ва «Иъжозу-л-Қуръон» асарларида ўз аксини топган. «Китобу-л-баён ва-т-табйин» рисоласи араб адабиёти назариясининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Китобда адабиёт ва тил борасидаги илк назарий қарашлар, фасоҳат ва балоғат илми, халқ оғзаки ижоди каби бир қатор масалалар акс эттирилгани таъкидлаб ўтилди. Абу Убайда Юнус ибн Ҳабиб ва унинг издошлари истиора ва киноя ҳақида асарлар яратганлар. Балоғат илмининг таркибига кирувчи маъоний илми ҳақида Жаъфар ибн Яҳё, Саҳл ибн Ҳорун ўз қарашларини билдирганлар.

Араб балоғатшунослари маъоний таркибига каломнинг хабар ва иншо турлари, қаср, фасл ва васл, ийжоз, итноб, мусовот масалаларини киритадилар. Маъоний илмига шундай таъриф берилади: маъоний илми каломни вазият талаб қилган ҳолатга мослаштириш усул ва қоидаларини ўрганади.

Маъоний илмига кўра сўзловчи калом тузишда тингловчининг айтиладиган нарсадан хабардор ёки хабарсиз эканидан ташқари унинг бошқа, яъни зукколик ёки тез фаҳмлай олмаслик каби хислатларини ҳам эътиборга олиши лозим. Шунга кўра сўзловчи маънони таъбир қилишда унинг лўнда, меъёрида ёки батафсил ифода турларидан бирини танлайди. Бу ифода нутқда калом шаклида намоён бўлади. Каломнинг ўлчами танланган ифода турига мос равишда – лўнда ифода учун қисқа калом, батафсил ифода учун чўзиқ калом, меъёрдаги ифода учун ўртача калом бўлиши талаб қилинади. Каломнинг ўлчами ундаги нутқий белгилар сонига боғлиқ равишда кам, ўртача, кўп бўлади. Бундан маъоний илмида маъно (М) ва уни ифода этган калом (К) ўлчами ўзаро уч хил нисбатга эга экани кўрсатиб берилгани маълум бўлади, буларни шундай ифодалаш мумкин:

$M > K$, яъни маъно ўлчами уни ифодалаган калом ўлчамидан катта;

$M < K$, яъни маъно ўлчами уни ифодалаган калом ўлчамидан кичик;

$M = K$, яъни маъно ўлчами уни ифодалаган калом ўлчамига мос.

Бу нисбат орқали бадииятда ийжоз, итноб, мусовот деб номланган санъатлар ҳосил қилинади, яъни ийжоз = $M > K$, итноб = $M < K$ ва мусовот = $(M = K)$.

Маъоний илмида калом сўзловчининг мақсадига кўра хабар ва иншо

турларга ажратиб ўрганилади. Иншо гаплар буйруқ, таъқиқ, сўроқ, инкор ва ундов турларга бўлинган ва калом бўлақларининг гапдаги вазифаси, ўрни, иштироки, тушиб қолиши, маънога таъсири ва бошқа грамматик хусусиятлари ҳам ёритилган. Каломнинг бундай тасниф асосида ўрганилиши маъоний илмида маънони аниқ ифодалашда зарур бўлган шартлардан бири – каломнинг таркибий қисмларини тўғри жойлаштириш муҳим масала экани, шунинг учун уни грамматик жиҳатдан мақсадга мос равишда тўғри шакллантиришга доир қонун-қоидалар ўз ифодасини топганини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, балоғат илмининг маъоний бўлимида ёритилган бу масалалар замонавий тилшуносликда грамматиканинг синтаксис бўлимида гапни мазмунига кўра дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов турларга таснифлаш асосида ўрганилади. Маъоний илми ўз ичига каломнинг хабар ва иншога бўлиниши, иншо ва унинг қисмлари, муснад илайҳининг ҳолатлари, муснаднинг ҳолатлари, итлоқ ва тақйид (қайд этмаслик ва қайд этиш), феълга тааллуқлиларнинг ҳолатлари, қаср (хослаш) ҳақида, фасл (ажратиш) ва васл (боғлаш) ҳақида ҳамда ийжоз, итноб ва мусовот ҳақидаги назарий қарашларни қамраб олган.

Булардан маълум бўладики, маъоний илми калом семантикаси билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

ИЛМУ-Л-БАЁН

Баён илмига Абу Убайда (в.э. 867) «Мажозу-л-Қуръон» асари билан асос солган. Балоғат илми олимлари баён илмига шундай таъриф берадилар: “بيان” сўзининг луғавий маъноси «кашф қилиш, яратиш, ёритиш, изоҳлаш»дир. Истилоҳда: исталган бир маънони бир-биридан фарқ қилувчи турли йўллар орқали ёритиб бериш, ўша маънонинг ўзига боғлиқ белгини аниқлаш учун керак бўладиган усул ва қоидалар тушунилади.

Шунга ўхшаш бошқа таъриф: “بيان” сўзининг луғавий маъноси «кашф қилиш, яратиш, ёритиш, изоҳлаш»дир. Истилоҳда: бир неча йўл ҳамда ҳақиқат ва мажоз, ташбих ва киноядан иборат бир-биридан фарқ қилувчи таркиблар (бирикмалар) орқали мақсад қилинган бир маънони белги

(далолат) воситасида ёритиш ёки белги (далолат) воситасида ёритмасликнинг турли усул ва қоидалари тушунилади. Масалан, Ҳотамнинг сахийлигини «сахий», «кули бисёр», «озгин бўталоқ», «қўрқоқ ит», «қуриб қолмайдиган денгиз», «ёмғирли булут» каби сахийлик маъносига очиқ ёки яширин далолат қилувчи турли лафзлар билан ифодалаш мумкин. Таърифларда келтирилган «бир маъно» шуки, бу маъно ҳолат тақозосига кўра бутун калом орқали ифодаланади. Баён илмида, масалан, шер маъноси «асад», «лайс», «сабъ», «зирғом» каби маънодошлари орқали ифода этилса, бу баён даражасида бўлмаслиги, чунки мутародиф, яъни синонимлар баён илмида эмас луғат илми (лексика)да ўрганилиши таъкидланган.

Баён илмининг таркибига ташбих, мажоз, истиора, киноя киради. Баён илмини кўп олимлар ташбих, мажоз (ал-мажозу-л-маъновий, ал-мажозу-л-луғавий, унинг таркибида истиора) ва киноя; айримлари ташбих, истиора, мажоз мурсал ва киноя тарзида таснифлайдилар. Булардан ташбих биринчи бор баён илми зикр этилган «Мажозу-л-Қуръон» китобининг яратилишига сабаб бўлган.

Араб балоғатига бағишланган асарларда ташбихга кенг ўрин берилган бўлиб, у бир неча жиҳатларига кўра таснифланган. Олимлар томонидан унинг ал-мушаббах, ал-мушаббах биҳ, одату-т-ташбих, важҳу-т-ташбих каби тўртта рукни, ат-ташбиҳу-л-мурсал, ат-ташбиҳу-л-муъаккад, ат-ташбиҳу-л-мужмал, ат-ташбиҳу-л-муфассал, ат-ташбиҳу-л-балиғ каби қисмлари, ташбиҳу-т-тамсил, ат-ташбиҳу-д-димний, ат-ташбиҳу-л-мақлуб ва бошқа турлари кўрсатилган.

Юсуф Саккокий ташбихни унинг тўрт жиҳати, яъни ўхшовчи ва ўхшатиловчи икки тараф, яъни طرفان, ўхшаш жиҳати (وجه الشبه), ўхшатиш воситаси (أداة) ва ташбихнинг мақсадлари асосида ўрганади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ташбихнинг айрим хусусиятлари бўйича таснифлар, уларнинг турлари ва номланиши араб балоғатининг ривожланиши жараёнида ўзгариб борган. Жумладан, ўхшовчи ва ўхшатиловчининг хусусиятларига кўра ҳиссий ва ақлий, муфрад ва мураккаб, малфуф

(ўралган), мафрук (ажратилган), тасвия (тенглаштирилган), жамъ (тўпланган) турларга ажратилади. Ўхшаш жиҳатига кўра ҳақиқий ва ҳаёлий; муфрад, мураккаб, мутаъаддид; ҳиссий ва ақлий; тамсилий ва ғайритамсилий; муфассал ва мужмал; қариб мубтазал ва ғариб баъид қисмларга бўлинган. Ўхшатиш воситасига кўра мурсал, муаккад ва ташбиҳнинг мақсадларига кўра мақбул ва мардуд қисмлари мавжуд. Саккокий ташбиҳнинг рукнлари, яъни таркибий қисмлари иштирокига кўра саккиз турини кўрсатиб ўтади.

Балоғат илмининг баён бўлимида мажоз тўғрисида ақлий мажоз, мажозу-л-муфрад ҳақида маълумот берилади. Кейинги босқичда луғавий мажозга кирувчи истиора, тасриҳий истиора ва унинг турлари, феълда истиора, ясама сўзларда (مشتقات) истиора, ҳарфларда истиора, истиоранинг мурашшаҳ, мужаррад ва мутлақ турлари, макний истиора ҳақида баҳс юритилади, сўнгра ал-мажозу-л-мурсал, ал-мажозу-л-мураккаб ва тамсилий истиора мавзулари ёритилади.

Мажоз (مجاز) сўзи “جوز” ўзагидан ясалган бўлиб, «йўлак», «бўғоз (сув йўли)», «шама, кесатик, қочирим» маъноларига эга. Мажознинг таърифларидан бири қуйидагича: асл маъносидан кўчиб, ўзига мос келадиган бошқа нарсанинг маъносини билдириш учун қўлланадиган лафз мажоз деб аталади. Мажоз маънони ифодалашда энг яхши баён усулларидан ҳисобланади. У ақлий мажоз ва луғавий мажоз каби қисмлардан иборат. Балоғат илми олимлари ақлий мажозни «араб тили услубларидан бири бўлиб, тилнинг бойлиги, ҳақиқат чегарасидан ҳаёлга ўтиш қудратидир» деб таърифлаганлар. Абдулқоҳир Журжоний у ҳақда «мажознинг бу тури балоғат хазиналарининг хазинаси, атоқли шоиру буюк ёзувчилар ижоди ва неъматини бўлиб, уларнинг баён йўлида кенг қулоч ёйишлари учун манбадир» дейди.

Араб балоғатида маъно кўчиш ҳодисасига асосланган яна бир восита истиора бўлиб, у мажознинг таркибида ўрганилади. Бу сўзнинг луғавий маъноси «қарзга олинган» ва унга истилоҳ сифатида қуйидагича таърифлар

берилган, Журжоний ва Саккокий:

Ташбихнинг икки тарафи (мушаббах ва мушаббах биҳи)дан бири зикр қилинади, бошқа тарафи назарда тутилади. Бунда мушаббах биҳи (ўхшовчи)га хос бўлган нарсани мушаббах (ўхшатиловчи)га тегишли қилиш орқали мушаббах мушаббах биҳининг жинси (тури)га кириши даъво қилинади.

Баён илмида киноя ҳақида унинг таърифи ва турлари тавсифланади. كناية kināyat(un) сўзи арабча "ي ن ك" ўзагидан ясалган феълнинг (маънолари: 1. лақаб қўймоқ, ном бермоқ; 2. ишора билан билдирмоқ; шама қилмоқ) ҳаракат номи (масдари)дир. Маъноси – белги, ишора. Киноянинг истилоҳдаги маъноси ҳақида араб олимларидан Ибн Манзур шундай дейди: Бирор нарсани гапириб, бошқасини назарда тутсанг – киноя. Иш, ҳолатга ўзидан бошқа ном берилади. Киноя қилиш ўшанга далолат қиладиган (ўшани билдирадиган) бошқа (нарс)ни гапиришни билдиради. Муҳаммад Ҳусайний: бир нарсани гапириб, бошқасини назарда тутсанг киноя (бўлади). Юсуф Саккокий: Керак бўлган нарса ойдин-очиқ ифодаланмайди, балки бошқа бирор нарсани айтиш орқали билдирилади, керакли маъно айtilган лафздан айtilмаганга кўчиши керак. Жалолиддин Қазвиний: Киноя – керакли маъносини ифодалаш мумкин бўлган сўз. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг таърифи қуйидагича: ани баъзида ирдоф ҳам дерлар ва ул андин ибораттурким, бир маънони анга лозиму тобиъ маъно учун ясалган лафз била ул тарзда таъбир қилурларким, агар ул лафзнинг ўз ясоғин ирода қилсалар ҳам раво бўлур.

Балоғатнинг баён бўлими далолат ҳақидаги баҳс билан бошланади. Унда далолатга қуйидагича тавсиф берилади: Далолат – бир нарсанинг бошқа нарсани билдириши.

Биринчиси мадлул, иккинчиси долл, худди «Муҳаммад» сўзи бирор кимсани, яъни «зот»ни билдиргани каби. Лафз (сўз) доллдир, зот (сўз билдирган нарса ва тушунчанинг ўзи) мадлулдир. Балоғатшунослар далолатни доллнинг эътиборига кўра икки қисмга бўладилар. Биринчиси –

лафзий далолат, иккинчиси – ғайрилафзий (лафзий бўлмаган) далолат. Агар лафз ўзи билдирган нарса ва тушунчага далолат қилса, лафзий бўлади. Масалан: «шамшод» сўзи ўсимлик турини, «юлдуз» сўзи осмон жисмини билдиргани каби. Агар долл лафз билан ифодаланмаса, ғайрилафзий далолат бўлади. Масалан: ёноқнинг қизариши ҳижолат чекканни ёки йўл ҳаракати белгилари маълум маънони билдиргани каби. Ғайрилафзий далолатнинг баён илмига алоқаси йўқ. Чунки унда лафз иштирок этмайди, маъно ишоралар, белгилар орқали тушунилади, буларга рақс, мусиқа, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат маҳсуллари ҳам киради.

ИЛМУ-Л-БАДИЙ

Бадий воситалар араб филологиясида балоғат илмининг бадий бўлимида ўрганилса, ғарб филологияси ва улар орқали бугунги кун ўзбек тилшунослигида «стилистик воситалар», «бадий хиссий-таъсирчан лингвистик воситалар тизими», адабиётшунослик соҳасида «бадий санъатлар» ёки «шеърый санъатлар» каби турли номларда ўрганилади. Шунингдек, уларнинг таснифи ҳам шарқ филологлари таснифидан фарқ қилади, яъни араб балоғатида бадий санъатларни уларнинг санъат ҳосил қилишдаги етакчи жиҳатини эътиборга олган ҳолда лафзий ва маъновий гуруҳларга ажратилса, ажам халқи лафзий-маъновий турни ҳам киритган.

Балоғат илмининг бадий бўлимига кировчи санъатлар кўп бўлса-да, араб балоғатига бағишланган аксар китобларда уларнинг фақат кўп қўлланадиган турлари ҳақидагина маълумот берилган. Сўнгги давр олимларидан Ҳомид Авнийнинг «Ал-минҳажу-л-водиҳ» асарида қуйидаги лафзий санъатлар келтирилган: жинос (тажнис), радду-л-ажз ала-с-садр, акс, сажъ, издивож. Аҳмад Ҳошимийнинг «Жавоҳиру-л-балоға» асарида юқоридагилардан ташқари тасҳиф, издивож, мувозана, ташриъ, лузум мо ло йалзам, мо ло йастаҳилу би-л-инъикос, мувораба, иътилофу-л-лафз(и) маъа-л-лафз, тасмит, инсижом ёки сухула, иктифоъ, татриз санъатлари ҳақида ҳам маълумот бор. Мумтоз манбаларга келсак, Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум» асарига лафзий санъатлардан тажнис (тажрис томм, ноқис тажнис, музаййал

тажнис, музориъ тажнис, лоҳиқ тажнис,), иштиқоқ, радду-л-ажз ила-с-садр, қалб, сажъ, тарсиъ киритилган, «нуқтали-нуқтасиз ҳарфлардан ҳам гўзаллик яратиш мумкин» экани айtilган, аммо уларнинг турлари келтирилмаган.

Атоуллоҳ Ҳусайний лафзий санъатларга «хат сувратиға тааллуқлуғ» санъатларни ҳам қўшган ҳолда қуйидагиларни киритади: тарсиъ, тажнисли тарсиъ, тажнис (лафз-и тажнис, тажнис-и ноқис, тажнис-и музаййал, тажнис-и музориъ, тажнис-и лоҳиқ, тажнис-и акс, тажнис-и муздаваж, тажнис-и мураккаб, ғайр-и лафзий тажнис), радду-л-ажз мина-с-садр, қалб (мақлуб-и кулл, мақлуб-и баъз, мақлуб-и мужаннаҳ, мақлуб-и муставий), сажъ (сажъ-и мутавозий, сажъ-и мутарраф, сажъ-и мутавозин), мумосала, таштир, тажзия, тасриъ, тасмит, акс, тардид, тааттуф, ташриъ, зу-л-қофиятайн, тавших, талаввун, тарофуқ, мақру ба назму наср, мақру-л-луғатайн, муламмаъ, муқаттаъ, мувассал, рақто, хайфо, жамиъу-л-ҳуруф, ҳазф, эънот, тазмин-и муздаваж, мутазалзил, мураббаъ, муъаққад, мудаввар, мушажжар, тавсим, мушокала.

Тилнинг дастлабки эстетик вазифаси сўзловчи ўз каломини қай тарзда аниқ ва жозибадор шаклга киритишга эътибор қарата бошлаши биланок намоён бўлади. Чунки калом ўзининг бир қанча вазифалари қатори муайян вазиятда тингловчининг руҳий ҳолатига таъсир қилиб, унда ўзига хос ҳис-туйғулар уйғониши ва турли таассуротлар қолишига хизмат қиладиган эстетик вазифани ҳам бажариши мумкин. Таъсирчан нутқнинг шаклланишида бадий санъатларнинг ўрни катта.

Тилнинг етуқлигини имкон қадар намоён қилиш воситаларидан бўлган бадий санъатлар балоғат илмининг бадиъ бўлимида ўрганилади. “Бадиъ” сўзининг луғавий маъноси бетакрор, чиройли қилиш, таъсирли, қофияли дегани бўлиб, “بَدِيعٌ” (ўйлаб топмоқ; бирор янгилик киритмоқ) феълидан олингандир «ажойиб; чечан; яратувчи» маъноларига ҳам эга. Истилоҳда: каломнинг лафз ва маъно орқали назарда тутилган далолати (белги, ишора) аниқлаштирилиб, ҳолат тақозосига мос келгач, унинг ҳусни ва тиловатини афзаллаштириш усуллари ўргатадиган илм.

Бадиъ илми Абдуллоҳ ибн ал-Муътазздан бошланган. Бадиий санъат турлари Кудамма ибн Жаъфар, Абу Ҳилол Аскарӣ, ибн Рашиқ Қирвонӣ, Тифошӣ, ибн Абу Исбаъ, Ибн Мунқиз, Сафӣуддин Ҳиллий томонидан тўпланган. Журжонӣ ўзидан олдинги билдирилган қарашларни такомиллаштириб, маълум бўлган балоғат масалаларини жамлай олган, уларни таснифлаган. У ўз асарларида лафз ва маъно, тажнис, тажниснинг турлари, истиора, ташбиҳ ва тамсил, ҳазф, фасл, васл, қаср ва ихтисосга оид маълумотлар беради.

Балоғат илми олимлари уларни санъат ҳосил қилишдаги хусусиятига кўра икки гуруҳга ажратадилар. Биринчиси, сўзнинг товуш жиҳатини эътиборга олиб ҳосил қилинадиган санъатлар бўлиб, улар «лафзий гўзалликлар» (ал-муҳассиноту-л-лафзиййа) деб аталади. Иккинчиси, сўзнинг маъно жиҳатига кўра ҳосил қилинадиган маъновий санъатлар бўлиб, улар «маъно гўзалликлари» (ал-муҳассиноту-л-маъновиййа) деб номланади.

Бадиий санъатлар борасида Юсуф Саккокий шундай дейди: «Биз балоғатнинг икки асоси, фасоҳатнинг икки тури бор деган қарорга келдик, калом улар туфайли зийнат либосига бурканади ва гўзалликнинг олий даражасига кўтарилади. Калом гўзаллигини таъминлайдиган махсус йўллар кўп бўлиб, уларнинг энг машҳурларини кўрсатамиз. Булар икки қисмга бўлинади: маънога тааллуқлилар ва лафзга тааллуқлилар».

Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарида лафзий санъатлар ҳақида қисқача тўхталади ва унга тажнис (томм тажнис, ноқис тажнис, музаййал тажнис, музориъ тажнис, лоҳиқ тажнис), иштиқоқ, радду-л-ажз ила-с-садр, қалб, сажъ, тарсиъ кабиларни киритган. Мазкур асарда маъновий санъатлардан таврия, тибоқ, муқобала, ҳусну-т-таълил, тибоқ (мутобақа, иттидод), мушокала, муроъату-н-назир, музоважа, лафф ва нашр, жамъ, тафриқ, тақсим, жамъ маъа тафриқ, жамъ маъа тақсим, жамъ маъа тафриқ ва тақсим, ийҳом, тавжих, суку-л-маълум масоқа ғайриҳ (бошқаларда – тажохулу-л-ориф), иътирод, иститбоъ, илтифот, тақлилу-л-лафз кабилар ҳақида маълумот берилган.

Демак, балоғат илмининг бадиъ бўлимига ҳозирги кунда «бадий санъатлар» деб юритиладиган бадий воситалар киритилган ва улар адабиётшунослик соҳаси, лингвопоэтикада ўрганиб келинмоқда.

Лафзий ва маънавий санъатлар ҳақида сўз кетганда, авваламбор бадиъ илмига мурожат қилиб, у ҳақида умумий тушунча ва маълумотларга эга бўлмоқ лозим. Чунки лафзий ва маънавий санъатлар бадиъ илмининг асосини ташкил қилади. Бадиъ илмида биринчи бўлиб қалам юргизган зот Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз ҳисобланади. Бу зот илму-л-бадиънинг алоҳида илм ва фан даражасига келтирдилар. Тадқиқотлар қилиб ўн еттита навини аниқладилар. У зот: “Мендан илгари ҳеч ким илму-л-бадиъ ҳақида қалам ушламаган, уни ҳеч ким китоб ва илм шаклига келтирмаган. Ким мана шу ўн еттитага қаноат қилиб унга амал қилишни хоҳласа, амал қилсин. Ким уни бошқа яна нозик ва гўзал қирраларини топса ва уни қўшиб қўйишни ирода этса, ихтиёри ўзидадир”, - деганлар. Ул зотнинг асрдошлари Қудома ибн Жаъфар бу навларни ўрганиб чиқиб, уларни ўттизтага етказдилар. Кейин бу зоти шарифга ўз замонасининг аҳли фазл ва аҳли илму-амал бўлган зотларидан Абу Ҳилол Аскарӣй ва ибн Рашиқ кабилар эргашдилар. Сўнг Софюддин ибн Ҳаллий жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мақтаб қасида битди. Унда илму-л-бадиънинг бир юз элликдан ортиқ навини келтирди. Ҳар байтнинг хошиясига қайси навга тааллуқли эканини ва унга байтни далил сифатида зикр этган. Шундан кейин кўпгина қасиданавислар унга эргашдилар. Натижада унинг навлари бир юз олтмишдан ошиб кетди.

Яна шуни яхши билиш лозимки, бадиъ илмининг маоний илми ва баён илмидан фарқи бор. Фарқи шуки илму-л-маъоний ҳам, илму-л-баён ҳам маънони асоси ва уни атрофида баҳс юритилади. Илму-л-маъоний гапни муқтазога мос келишини ўргатади, яъни гап талаб этилган ҳолатга мувофиқ бўлишини ўргатади. Илму-л-баён эса бир маънони турли лафз ва гаплар билан комилроқ ифодалаш услубларини ўргатади. Аммо илму-л-бадиъ эса, айнан маъно ёки лафз устида баҳс юритади, бунда уни мақсади чиройли ва ажойиб қилиш, гўзал ва ялтироқ кийимларга ўраш билан қалбни эритиш,

кўнгилни асир қилиш услубларини ўргатади. Шундан илму-л-маъоний ва баён гапни чиройли қилишга хизмат қилиши зотий экани билинади. Илму-л-бадиъ - калом муқтазога мос ва қасд қилинган маънога очиқ далолат қилгандан кейин уни зийнатлаш экан. Бу унинг оризий - кейин пайдо бўлган эканини билдиради. Бу илмларни таъбир жоиз бўлиб, бирон нарсага ўхшатиш мумкин бўлса, илму-л-маоний ва баён ҳашаматли бинонинг асоси ва деворлари бўлса, илму-л-бадиъ шу бинонинг баланд ва тиллодан ишланган, турли қимматли тошлар ўрнатилган қуббасига ўхшайди. Ёки гўзал бир ҳурулиқонинг бўйнига осилган бебаҳо тақинчоқ мақомидадир. Демак, илму-л-бадиъ гап ўз маъносига очиқ далолат қилиб, муқтазога риоя этилган (яъни, талаб қилинган ҳолатга мос тушган)дан сўнг, уни гўзал қилиш услубларини ўргатади. Гўзал қилиш яъни таҳсин икки хил – лафзий ва маънавий бўлади. Агар чиройли қилиш, зийнатлаш аслида гапнинг маъносига дахлдор бўлса, уни маънавий таҳсин дейилади. Унга лафзни зийнатлашни эргаштириш мақсад қилинмайди. Зийнатлаш гапнинг аслида лафзларига дахлдор бўлса, у лафзий бўлади. Унда ҳам маънонинг таҳсинини эргаштириш дуруст эмас. Ушбу таҳсинотларнинг, хусусан лафзий таҳсиннинг ҳосил бўлишини фақат маъно талаб қилган ҳолатдагина амалга ошишига уламолар иттифоқ қилганлар.

Бадиъ илми борасида биринчи бор махсус асар ёзган киши – аббосийлар ҳалифаси олим Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз (861-908). Унгача Башшар ибн Бурд (696-783), Муслим ибн ал-Валид (747-823), Абу Таммам (788-845) ва бошқа шоирлар ўз шеърларида бадиъ турларини қўллаганлар. Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз бадиъ илмининг ўн етти турини тўплади. У ҳақда Юсуф Саккокий шундай дейди: «Билгилки, бадиънинг турлари кўп. Уни ихтиро қилган биринчи киши ибн ал-Муътазздир». Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз «Китобу-л-бадиъ» нинг муқаддимасида эътироф этишича, «бадиъ» истилоҳини у биринчи бўлиб қўлламаган, лекин унинг санъатларини илк бора тадқиқ қилган ва бу ҳақда китоб яратган. У ўз рисоласининг биринчи бобини истиора, иккинчи бобини тажнис, учинчи бобини мутобақа, тўртинчи

бобини «аъжазу-л-калам ала ма тақаддумуха» («каломнинг аввалига ўтган охирги бўлақлар»), бешинчи бобини «ал-мазҳабу-л-каламий» («калом назарияси») га бағишлайди ва уларни «фунуну-л-бадиъ», яъни «бадиъ санъатлар» деб атайди. Бу боблардан сўнг китоб 274 ҳижрий йилда ёзилгани ва уни биринчи бор Али ибн Ҳорун ибн Яҳё ибн Абу Мансур Мунажжим кўчириб ёзгани зикр қилинган. Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз кейинроқ бу асарга «махосину-л-калом» деб атаган ўн учта санъат турини киритган. Бу санъатлар шундай номланган: илтифот, иътироз, ружуъ, ҳусну-р-ружуъ, таъкиду-л-мадҳ бимо йушбиҳу аззамма, тажохулу-л-ориф, ҳазл йуроду биҳи ал-жадд, ҳусну-т-тазмин, таъриз, киноя, ал-ифрот фи-с-сифа, ҳусну-т-ташбиҳ, иъноту-ш-шоъир нафсаҳу фи-л-қавофи ва ҳусну-л-ибтидот.

Сафий Ҳиллий (750 ҳ.) «Шарҳу-л-Кафийати-л-бадиъийа» китобида келтиришича Қудам ибн Жаъфар (260-327 ҳ.) йигирма тур санъатни жамлашга эришган, шулардан еттитаси ибн ал-Муътаззаникига мос келади. Қолган ўн уч тур ибн ал-Муътаззнинг ўн етти тури билан бирга ўттиз турни ташкил қилади.

Кейинчалик Абу Ҳилол Аскарӣй (в.э. 395 ҳ.) уларни ўттиз еттитага, ибн Рашиқ Қирвонӣй (390-456 ҳ.) олтмиш бештага Тифошӣй (в.э. 651 ҳ.) етмиштага етказди. Бадиъ санъатлар кенг ёритилган асарлардан бири Ибн Абу Исбаънинг (585-654 ҳ.) «ат-Таҳрир»и ҳисобланади, унда тўқсонга санъат тури келтирилган. Ибн Мунқиз «ат-Тафриъ фи-л-бадиъ» китобига яна бешта турни киритган бўлса, Сафийуддин Ҳиллий қирқ бешта санъат кўшди. Шу билан араб адабиётида бадиъ санъатлар тури бир юз қирқтага етказилди.

Баён, маъонӣй ва бадиъ илмлари кейинги асрдагина боблар ва фаслларга ажратилди. Бу ишни биринчи бўлиб Абдулқоҳир Журжонӣй амалга оширди.

Журжонӣй ўзидан олдинги фикрларни кўп жихатдан такомиллаштирган ва ўз даврида маълум бўлган балоғат масалаларини жамлай олган, уларни таснифлаган. У баён ва маъонӣй илмларига оид «Асрору-л-балоға» ва «Дало'илу-л-иъжоз» асарларини яратган. Бу асарларда балоғат илми таркиби

тугал шаклга келмаган бўлса-да, Журжонийгача яратилган кўпгина асарлардан фарқ қилувчи жиҳатлари кўп.

Олимлар балоғат илми Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» асарини яратгунга қадар шу ҳолда сақлангани ва бу асарда балоғат илми тўлиқ шаклланганини ҳозиргача эътироф этиб келадилар. Асар балоғатдан ташқари араб тили морфологияси, синтаксиси, қофия ва аруз масалаларини ҳам қамраб олган.

Балоғат илми олимлари Юсуф Саккокий ўзигача баён этилган маълумотларни қайта кўриб чиқиб бобларни тартибга келтиргани, ундан кейинги олимларнинг барчаси шу қоидаларга асосланганлари, кейинги аср балоғат илми олимлари ушбу илмга айтарли янгилик киритмай, мавжуд асарларга шарҳ ёзиш ва айтилган сўзларни такрорлаш билан кифояланиб келганларини таъкидлайдилар. Маълумотлардан кўриниб турибдики, балоғат илмининг таркиб ва тартиб жиҳатдан бир асарга жамланиб, илмий жиҳатдан етук даражага келиши, дастлаб Журжоний, сўнгра Саккокийнинг беназир меҳнатлари самарасидир.

Жалолиддин Қазвиний ва унинг “Талхис ал-мифтах” асари

Жалолиддин Қазвинийнинг (1268-1338) (Саъдуддин Абу Муҳаммад ибн Абдуррахмон ибн Умар Абул Маъолий Жалолиддин Хатиб Қазвиний Шофеъий ҳижрий 666, мелодий 1268 йил туғилиб, ҳижрий 739, мелодий 1338 йил вафот этган.) балоғат фанига тегишли учта асари мавжуд. Биринчи асари “Талхис ал-мифтах”. Қазвиний бу асарини Саккокийнинг “Ал-Мифтах” асарининг учинчи қисми бўлган балоғат қисмига кичик бир мухтасар шаклда ёзганлар.

“Талхис ал-мифтах” асарига шарҳ ёзган Халҳолий асарнинг аввалида шундай таъриф берган: “Ушбу асарда келган гўзал баҳсларни бошқа китобларда топиб бўлмайди. Агар қидирилса ҳам, фақатгина бунинг шарҳи бўлган “Ал-Ийдох”да топиш мумкин”. Алломанинг балоғатни чуқур ўрганиш борасида тутган йўллари ва “Талхис”лари ҳозирги асримизгача балоғат илмларида илмий асос бўлиб келмоқда. Шу сабабли ҳам ушбу асарга

асрлар давомида уламолар уни чуқур ўрганишга ва дарс қилиб ўқишга киришиб кўплаб шарҳлар, ҳошиялар ва тақрирлар ёзилганлиги, унинг тадқиқотчилари наздида юксак илмий шуҳратга эга эканлигига ва албатта, балоғат фани борасида чуқур из қолдирганига далолат қилади.

“Талхис ал-мифтах” асари муқаддима ва учта бўлимдан иборат. Муқаддимада фасоҳат ва балоғат ҳақида сўз юритиб, ҳар бирига алоҳида тарзда таърифлар келтирган. Аввал фасоҳатга таъриф бериб, уни калимага, каломга ва мутакаллимга сифат бўлиб келишини айтган.

Биринчи бўлим “علم المعاني” - илму-л-маъоний, унда муқтазои ҳолга мувофиқ келадиган араб лафзларининг ҳолатлари ўрганиладиган илмлар борасида баҳс олиб борилган. Ушбу бўлимни саккизта бобда чеклаган.

Биринчи боб “أحوال الإسناد الخبري” Хабарий исноднинг ҳолатлари. Ушбу бобда хабарий иснодни таъкидлаш ёки таъкидламасдан келтириш ва уни ақлий-ҳақиқий ёки мажоз бўлиши каби унинг учун пайдо бўладиган ишлар ҳақида баҳс қилинади. Иснод бир калимани ёки калима ўрнига жорий бўладиган нарсани ҳукми ифода қиладиган даржада бошқа калимага ёки калиманинг ўрнига жорий бўладиган нарсага қўшиш.

Иккинчи боб “أحوال المسند إليه” Муснад илайҳнинг ҳолатлари. Ушбу боб ҳақида қуйида, яъни асосий қисмда батафсил баён қилинади.

Учинчи боб “أحوال المسند” Муснаднинг ҳолатлари бобида эса, уни ҳазф ёки зикр қилиш, ифрод яъни жумла қилмасдан келтириш, феълий ёки исмий жумла қилиб келтириш, уни қайдлаш ёки қайдламаслик, хослаш ёки хосламаслик, маърифа ёки накра қилиб келтириш, жумла қилиб келтириш ва уни кечиктириш каби мавзулар борасида баҳс олиб борилган.

Тўртинчи боб “أحوال متعلقات الفعل” Феълга боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳолати тўғрисида гапирганда мафъулнинг ҳазф бўлиши, мафъулни феълдан олдин келтириш, феълнинг баъзи маъмуллари бошқаларидан олдин зикр қилиш ва феълга боғлиқ бўлган нарсалар атрофлича ёритган.

Бешинчи боб “القصر” Чеклаш бобида унинг қисмлари, уни ҳақиқий ва ғойри ҳақиқийга бўлиниши, шартлари, атф, нафий ва истисно, “إنّما” каби

воситалар билан чеклаш йўллари хусусида сўз юритилган.

Олтинчи боб “الإنشاء” Иншо бобида уни икки турли, яъни талаб ва ғойри талаб бўлишини айтган. Сўнгра талабни бешта тури бўлган буйруқ, манъ этиш, сўроқ, илтимос ва нидо қилишлар тўғрисида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтган.

Еттинчи боб “القول في الوصل والفصل” Улаш ва ажратиш тўғрисида сўз. Ушбу бобда жумлаларни бир-бирига боғлаш ёки боғламасдан келтириш хусусида тўхталган. Бирлик лафзлар, жумлада ўзгариш ҳосил қиладиган ёки ҳосил қилмайдиган сўзларнинг ҳукмлари, жумлаларни бир-бирларига боғлаш ўринлари, уни гўзаллаштирувчи нарсалар, ҳолатга далолат қилувчи жумлалар кенг тушунтирилган.

Саккизинчи боб “القول في الإيجاز والإطناب والمساواة” Қисқа, чўзиб ва баробар келтириш тўғрисида сўз. Ушбу бобни баробар келтиришга таъриф бериш билан бошлаган. Сўнгра ийжозни икки турли бўлишини айтиб, ушбу турларни зикр қилган. Кейин итноб яъни жумлани чўзиб келтириш борасида батафсил сўз юритган. Жумлани чўзиб келтириш сабабларини бирма-бир санаган.

Иккинчи бўлим “علم البيان” баён илмини ўз ичига олган бўлиб, “التشبيه” ташбеҳ, “الاستعارة” истеъора, ва “الكناية” кинояларнинг қисмлари тўғрисида баҳс юритилган. Учинчи бўлим “علم البديع” Бадиъ илми тўғрисидадир.

Дарҳақиқат, Хатиб Қазвинийнинг “Талхис ал-мифтаҳ” асари балоғат фанига доир ёзилган китобларни, араб балоғати ва адабиётини янада кенг тушунишга ёрдам беради. Балоғат фани соҳасида ёзилган муҳим ва илк китоблар Абдулқохир Журжонийнинг “Асрор ул-балоға” ва “Далоилул эъжоз”, Саккокийнинг “Ал-Мифтаҳ” ва бошқа китобларни чуқур ўзлаштиришга асосий дебоча ҳисобланади.

Араб адабиётида балоғат илмига оид асарлар:

- **Наср бин Ҳасаннинг “Маҳосинул-калом”:** илму-л-бадиъ (балоғат таркибига кирувчи уч илмдан бири)га бағишланган дастлабки асарлардан бири.
- **Абдуллоҳ ибн ал-Муътаззнинг “Китобул-бадир”:** Балоғат илмининг ривожига катта ҳисса қўшган асар.
- **Қудамма ибн Жаъфарнинг “Нақдуш-шеър”:** Балоғат ва шеърый қоидалар ҳақида ёзилган муҳим асар.

Форс ва туркий тиллардаги асарлар:

- **Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” (Кашшоф):** Классик араб муфасссирининг Қуръон тафсири бўлиб, балоғат ва тилшуносликка оид қимматли фикрларни ўз ичига олади.
- **Саъдуддин Тафтазонийнинг “Мулаххасу-л-мифтах” (Мухтасар ал-Мифтоҳ):** Балоғат илми бўйича ёзилган энг машҳур ва мукаммал асарлардан бири бўлиб, араб тилида яратилган.
- **Абдурахмон Жомийнинг асарлари:** Жомий балоғат илмига оид кўплаб асарлар ёзган, улар замонавий шарқшуносликда ҳам ўрганилмоқда.

Ад.: Маҳмуд Замахшарий. *Ал-Кашшоф*. -Қоҳира, Мустафо ал-Бобий, 1948. -Жуз 1, 16.; Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Қазвиний. *Ал-ийзоҳ фи улум ал-балоға*. -Байрут, Дор ал-жил, 1960. - Жуз 1, 19.; Ал-қомус, 1-жуз, 214-215; Ҳифни Носиф, Муҳаммад Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. *Дурус-л-балоға*. -Девбанд, Кутубхона Эъзозийя, 1998, 24.; Рустамий Салима. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Тошкент: «Zilol buloq» нашриёти, 2019 й. 240 б.;Ҳомид Авний. *ал-Минҳож ал-возиҳ*. -Қоҳира, ал-Азҳар, 1991, 13.; *Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари*. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннаҳр нашрети, 2014, 226-227.; <https://islom.uz/maqola/3715;>